
Шахсий таркиб саф кўригидан ўтди

Бағдод тумани Ички ишлар бўлими шахсий таркибининг мавсумий хизмат кийимини кийиб юриш тартиби ва “Саф низоми” қоидаларига амал қилишларини аниқлаш мақсадида навбатдаги саф кўриги бўлиб ўтди.

Унда бўлим раҳбари ва масъул ходимлари томонидан шахсий таркиб хизмат формасининг бенуқсонлиги, ташқи кўриниши, тегишли гувоҳномалар ҳамда табель қуролларининг бириктирилгани, шунингдек саф тайёргарлиги бўйича амалий кўникмалари шаклланганига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жорий йил 31 июль кундаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш мобайнида жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлар борасида ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ташкилик ва амалий тадбирлар тўғрисида”ги режа-дастурига мувофиқ ўтказилган саф кўриги давомида тегишли низомлар талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар аниқланмади.

Байрам олдидан ва байрам кунда ўтказиладиган турли тадбирлар ҳамда сайлларда тинчликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда кун-у тун хизмат олиб борувчи ходимларнинг саф тайёргарлиги бўйича амалий кўникмалари ҳам муносиб шакллангани эътироф этилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-08-25 19:00:13